# TA'LIM MUAMMOLARI

№: 2/2014

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
ILMIY-USLUBIY JURNAL

*2014 YIL – SOG'LOM BOLA YILI*

*PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA*

*TA'LIMDA INNOVASIYALAR*

*TIL BILGAN–EL BILADI*

*TIBBIY PEDAGOGIKA*

*TA'LIM TARAQQIYOTI*

*TA'LIMDA ME'YORIY HUJJATLAR*





# TA'LIM MUAMMOLARI

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг илмий-услубий журнали

**2/2014**

*Муассислар:*

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;*

*Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази;*

*Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази.*



***Манзил:***

*Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42- уй, почта рақами- 100060.*

***Телефон:***
*233-34-88;*
***Факс:***
*(+99871) 233-34-88;*

***Расмий сайти:***
*www.devedu.uz*
***e-mail:***
*jurtm_devedu@edu.uz*



*Журнал 2007 йил 11 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан 0506 рақам билан давлат рўйхатидан ўтган.*

*Журнал йилда 4 маротаба (ҳар чоракда) ўзбек ва рус тилларида, келишилган нархда чоп этилади.*



**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, таҳрир кенгаши раиси:**
**Вахобов Алишер Восиқович**

**БОШ МУҲАРРИР**
***Ризаев Фарход Хамидуллаевич***
*вазирнинг биринчи ўринбосари*

**Таҳрир кенгаши аъзолари:**
***Мамаражаб Тожиев***
*(бош муҳаррир ўринбосари)*
***Салимов Умиджан Зокирджанович***
***Усмонов Ботир Шукуруллаевич***
***Мажидов Иномжон Уришович***
***Раҳимов Бори Хафизович***
***Мухамедов Гофурджон Исроилович***
***Ташкенбаев Улугбек Нигматович***
***Маннонов Абдурахим Муталович***
***Азизов Улугбек Уктамович***
***Комилов Музаффар Муратович***
***Бегимкулов Узоқбой Шоимкулович***
***Боқиева Гуландом Ҳисамовна***
***Тешаев Октябр Рухиллаевич***

**Жамоатчилик кенгаши аъзолари:**
***Абдунаби Пардаев***
***Хайрулла Зикриллаев***
***Сарвархон Бузрукхонов***
***Мурод Атамуротов***
***Мухаммадсиддиқ Амонбоев***
***Алишер Собиров***
***Солиҳ Тошпўлатов***
***Шухрат Муталов***
***Шавкат Қурбонов***

**Таҳририят:**
***Гули Эргашева*** – масъул муҳаррир
***Гулбаҳор Жабборова*** – мусаҳҳиҳ
***Дилдора Насируллаева*** – дизайнер

| | | |
|---|---|---|
| **2014 YIL – SOG'LOM BOLA YILI** | | |
| **N. Qo'chqorova.** Sog'lom avlod tarbiyasi buyuk allomalar talqinida. | 4 | **N. Kuchkarova.** Raise a healthy generation in the writings of great thinkers. |
| **Х. Абдурахмонова.** Ёшлар тарбиясида маънавий дунёқарашнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар. | 6 | **H. Abdurakhmonova.** Factors affecting the development of education in the spiritual outlook youth. |
| **А. Усманова.** Актуализация концептуальных положений по изучению молодежной проблематики. | 8 | **A. Usmanova.** Actualization of conceptual bazis in learning youth problems. |
| **Т. Юсупов, Д. Душабаев.** Кўл жангида тезкор-куч тайёргарлигини ташкил қилиш. | 11 | **T. Yusupov, D. Dushabayev.** Organization of readiness speed power melee. |
| **PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA** | | |
| **Р. Джураев.** Особенности деятельности современного педагога профессионального образования. | 14 | **R. Djuraev.** Multidimensional character of activity of the teacher vocational training. |
| **З. Исмаилова, П. Махсудов.** Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини методик фаолиятга тайёрлаш тизими таҳлили | 16 | **Z. Ismailova, P. Mahsudov.** The analysis of system of preparation for methodical activity future teachers vocational training. |
| **Д. Турдибоев.** Академик лицейларда геометрия фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш. | 19 | **D. Turdiboyev.** Improve the efficiency of learning object «geometry» in academic lyceums. |
| **Г. Тўлаганова, Н. Тохирова.** Сурункали соматик касалликларда шахслараро муносабат тизимининг ўзига хослиги. | 22 | **G. Tulaganova, N. Tohirova.** Uniqueness of the system of relationships in somatic chronic diseases. |
| **TA'LIMDA INNOVASIYALAR** | | |
| **Ф. Муминова.** Значение инноваций в педагогической деятельности. | 25 | **F. Muminova.** Importance of innovations in pedagogical activity. |
| **А. Каххаров, Ғ. Махкамов.** График таълим жараёнида самарадорликка эришишнинг замонавий усуллари. | 27 | **A. Kakharov, G. Maxkamov.** Efficiency use of modern methods in the course of graphic training. |
| **Х. Норбаев. А. Бекназаров.** Кейс-стади технологияси асосида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш. | 30 | **X. Norboyev, A. Beknazarov.** Organization of independent work of students on the basis of technology case studies. |
| **Д. Елькин.** Использование интерактивных методов при изучении лингвистических дисциплин. | 32 | **D. Elkin.** The use of interactive methods in the study of linguistic disciplens |
| **Ж. Хакимов.** Роль информационных технологий в процессе подготовки педагогических кадров для системы ССПО. | 34 | **J. Khakimov.** Role of information technologies in the course of preparation of pedagogical shots for system of average vocational training. |
| **Д. Шамсиева.** Ўқитишда инновацион ғояларга асосланган таълимни ташкил этиш зарурияти. | 37 | **D. Shamsieva.** Necessiti to establish the education system based on innovation ideas in teaching. |
| **Қ. Мустафаев, О. Рахимов, Ш. Каримов, Ш. Хайитов.** Талабаларда мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш технологияси. | 40 | **K. Mustafayev, O. Rakhimov, Sh. Karimov, Sh. Hayitov.** The technology of formation and development of students independent creative thinking competence. |
| **M. Nosirov, J. Alieva, D. Dolimova.** Termodinamika va molekulyar fizikadan virtual laboratoriyalar yaratishda axborot texnologiyalardan foydalanish. | 43 | **M. Nosirov, J. Alieva, D. Dolimova.** Use of information when creating the virtual technologies laboratories and thermodynamics molecular physics. |
| **TIL BILGAN – EL BILADI** | | |
| **М. Валитова.** Коммуникативно-когнитивный подхода в рамках обучении иностранному языку (На материале английского языка). | 46 | **M. Valitova.** Kommunicative cognitive approach in the foreign language training (on the english language). |
| **Г. Максудова, Н. Абданбекова.** Чет тилини ўқитиш методикасининг педагогика ва психология фанлари билан узвийлиги. | 48 | **G. Maksudova, N. Abdanbekova.** Relationship of teaching methods of foreign language with the subject of pedagogy and psychology. |
| **Г. Содиқова.** Таълим жараёнида нутқий этикет бирликлари ва миллийлик хусусиятлари. | 50 | **G. Sodikova.** Unity speech etiquette and national characteristics in the learning process. |
| **Г. Рихсиева, М. Абдурахмонова.** Хорижликларга ўзбек тилини интенсив ўргатиш учун мўлжалланган электрон дарслик мазмуни ва структураси. | 53 | **G. Rixsiyeva, M. Abdurahmonova.** The content and structure of the electronic textbook designed for intensive training foreigners uzbek language. |





| | | |
|---|---|---|
| **С. Зияева.** Роль структурных особенностей обособлений в обучении немецкому языку. | 56 | **S. Ziyaeva.** The role of structural features of segregations in teaching german. |
| **Д. Юлдашева.** К вопросу об изучении общественно - политической лексики на занятиях по русскому языку. | 59 | **D. Yuldasheva.** On the question of the study socio - political lexicon at the lessons of russian language. |
| **TIBBIY PEDAGOGIKA** | | |
| **Л. Пономарева, Ф.Саломова, Х. Садуллаева.** Формирование и оценка знаний и умений по гигиене у будущих врачей общей практики. | 62 | **L. Ponomaryeva, F. Salomova, X. Sadullayeva.** Formation and evaluation of knowledge and skills on hygiene at the future general practitioners. |
| **З. Ашуров., Н. Ядгарова, Г. Рузиева.** Основы психиатрии для врачей общей практики. | 64 | **Z. Ashurov, N. Yadgarova, G. Ruzieva.** Fundamentals of psychiatry for doctors general practice. |
| **TA'LIM TARAQQIYOTI** | | |
| **Э. Гозиев, Р. Самаров.** Илмий ижод ва олимнинг шахси. | 69 | **E. Goziev, R. Samarov.** Research scientist works and personality. |
| **TA'LIMDA ME'YORIY HUJJATLAR** | | |
| **Р. Хабибуллаев, Р. Сайфутдинов, Ш. Канглиев.** Ўқув - меъёрий хужжатлар тизимида ўқитувчи шахсий иш режасининг ўрни ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар. | 73 | **R. Habibullaev, R. Saifutdinov, Sh. Kangliyev.** The role of personal work plan of the teacher in educational system of regulations and suggestions for improvement. |
| **Б. Махмудов, Н. Қодирова.** Касбий таълим узвийлигини таъминлашда ўрта бўгин раҳбар кадрларининг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш. | 76 | **B. Mahmudov, N. Kodirova.** Organizational competence in the mid-level managerial personnel to ensure continuity of vocational education. |
| **М. Дадаханов.** Алгоритм таърифини ўқитишда узвийликни таъминлаш. | 79 | **M. Dadakhanov.** Ensuring continuity in training algorithm for determining. |



Босишга рухсат этилди: 12.08.2014-йил

*Қоғоз бичими 60х84 1/8. босма табоғи 6,0. адади 500 нусха.*
*Буюртма № 10/2*
*«Tafakkur bo'stoni» босмахонасида чоп этилди.*
*Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уй*

бўлмаса ҳам ўзбек тилида бобо, буви, амаки, тоға, хола, келинойи нутқий этикет бирлиги ишлатилади: Бобо сизга ёрдам керак эмасми; Амаки Навоий кўчаси қаерда жойлашган.

Ўзбек тилида опанинг эри, аканинг хотинига мурожаат қилишда улардан кичик бўлган оила аъзолари почча, келинойи сўзларини ишлатади. Почча опам яхши юрибдиларми? Келинойи акамни чойга чақиринг.

Ўзбек оиласида ота-она фарзандларига исми ёки ўғлим, қизим, нoввотим, шакарим, асалим (ёши, жинсига қараб) сўзларини ишлатган ҳолда мурожаат қиладилар. Ота-она чақалоқ ёки кичкина ўғил-қизларига нисбатан новвотим, шакарим, асалим эпитетларини ишлатади.

Нутқий этикет формулаларининг миллий-маданий хусусиятлари хайрлашиш ва илтимосларда ҳам кўринади.

"Кўришгунча омон бўлинг", "Учрашгунча сизга соғлиқ ва омонлик тилаб". «Гулчеҳра опа, сизга раҳмат…» "Узр, гапингизни бўлдим..." "Сизга катта раҳмат иштирокингиз учун...": "Миннатдорлигимизни қабул қилинг; «кўнғироғингиз учун ташаккур…» Илтимос этикет формулаларини қўлланилиши: "Илтимос, ...айтиб берсангиз"; "Илтимос, бу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз", «Бизнинг қадрли ..... яна сизлар билан...» каби бирликлар қўлланилади.

Нутқий этикет бирлигини универсал синтактик бирлик бўлиб, у ҳар қандай тилда истеъмол доирасига мансуб. Бинобарин, мулоқот жараини шакллаииши учун камида икки коммуникант – сўзловчи ва тингловчи – бўлиши шарт эканлиги зарурат саналади. Бунда нутқий этикет бирлигини, асосан, адресатни (тингловчини) ифодалайди.

Нутқий этикет ёркин лингвокультурема ҳисобланади.

Тил ва маданият феноменларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги масалани ўрганиш, кўп ҳолатларда мураккаб, кўпқиррали, кўп қиёфали ижтимоий ҳодисалар сирасига кирувчи маданият тушунчасининг аниқ таърифи йўқлиги сабабли қийинлашган.


**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

*1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2009. – 176 б.*

*2. Акбарова З.А. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи: Филол.фан. номз. ...дис. автореф. –Тошкент, 2007. –23 б.*

*3. Аҳмедова Н.Ш. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи. Филол. фан.номз. ...дисс.автореф. –Тошкент, 2008. –25 б.*

*4. Бегматов Э., Жиянова Н. Нутқ маданияти асослари. –Тошкент, 2006. –Б.5.*

*5. Ильенков Э. В. Философия и культура: Мыслители XX века. – М.: Наука, 1991 -С. 462.*

*6. Культура русской речи. Учебник для вузов. Москва.: Норма-Инфра, 2000. - С. 12.*

*7. Формановская Н.И. Вы сказали: «Здравствуйте», речевой этикет в нашем общении. Изд. 3. –М.: Знание, 1989. –С. 41.*





Тошкент Фотосуратлар уйида "Ўзбекистон – бахтли болалар мамлакати" деб номланган фотокўргазма очилиб, кўргазма «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида ушбу фотокўргазма Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда намойиш этилади.





# ХОРИЖЛИКЛАРГА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ИНТЕНСИВ ЎРГАТИШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК МАЗМУНИ ВА СТРУКТУРАСИ


**Г. Рихсиева** – филология фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат шарқшунослик институти
**М. Абдурахмонова** – доцент
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети



*В данной статье рассматривается вопросы создания электронных учебников для изучения иностранных языков, их роль в обучении, удобства, а также важные критерии, определяющие эффективность электронного учебника. Излагается актуальность, структура и содержание, создающегося авторами электронного учебника по узбекскому языку для иностранцев, который соответствует современным требованиям.*



**Опорные слова и понятия:** *электронный учебник, иностранный язык, узбекский язык, структура, со- держание, критерии, контент, эффективность.*


# THE CONTENT AND STRUCTURE OF THE ELECTRONIC TEXTBOOK DESIGNED FOR INTENSIVE TRAINING FOREIGNERS UZBEK LANGUAGE


**G. Rihsieva, M. Abdurahmonova**



*This article considers the subject of creating electonic books in learning foreign languages, its role in education, its ease, as well as important measures, which assignes the efficacy of electonic books. The actuality, form and substance of Uzbek electronic books for foreigners, which satisfy the modern requirements have been stated in the article.*



**Keywords:** *Electronic book, foreign language, Uzbek, form, substance, measures, content, efficacy.*


Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги мавкеи ва нуфузи ортиб борган сари иқтисодий ва маданий соҳалардаги алоқалари ҳам кенгайиб бормоқда. Мазкур жараёнлар, жумладан, санъат, адабиёт, маданият сингари жабҳалар қатори ўзбек тилига бўлган муносабат, эътиборда ҳам акс этмоқда. Ҳозирги кунда хорижликларнинг ўзбек тилини ўрганишга бўлган иштиёқи ва ҳаваси кучли. Хорижликларни ўзбек тилига ўргатиш асосан истиқлол даврига келиб, Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланганидан сўнг бошланди. Ўз фаолиятини Ўзбекистон билан боғлаган турли соҳа: тижорат, тадбиркорлик, санъат, таълим, фан вакиллари давлатимиз тилини мукаммал билиш истагидалар. Аммо, хорижликларга ўзбек тилини ўргатишга мўлжалланган дарсликлар тақчиллиги бугунги кунда ушбу масалани ҳал этиш вазифасини қўймоқда.

Таълим тизимини янгилаш, илмий-услубий жиҳатдан замонавий усуллар ва адабиётлар билан таъминлашда янги шаклдаги дарслик ва қўлланмаларни яратиш зарурияти туғилди.

Ҳозирги кунда ўқув жараёнида замонавий ўқув қўлланмалари ва дарсликларнинг асосий мақсади талабанинг интеллектуал ривожланиши ва унинг руҳий-касбий, шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълимнинг шахсга йўналтирилганлигини таъминлашдир.

Шу маънода ўзбек тили дарсликлари ҳақида сўз юритарканмиз, ҳозирги кунда ўзбек тилини чет тили сифатида ўқитиш дастурларининг босқичма-босқич ўргатиш комплекс тизими яратилмагани сабабли мавжуд дастурлар талаб даражасида деб айта олмаймиз. Дастлабки тадқиқотларимиз хорижликларга ўзбек тилини ўргатиш бўйича яратилган қўлланмаларда тилни интенсив ўргатиш тизими етарли даражада мукаммал эмаслигини кўрсатди. Жумладан,

- ҳозирги кундаги мавжуд қўлланмалар тилни ўргатишда фақат бошланғич манба сифатида хизмат қилмоқда;
- бошланғич манба сифатидаги қўлланмаларда грамматик материални тизимлаштиришда ягона тамойил йўқ. (кўп ҳолларда матнларда ҳали ўтилмаган грамматик материал учрайди);
- нафақат чет элликлар, балки Ўзбекистондаги русийзабон фуқаролар учун ҳам ўзбек тилини босқичма-босқич ўрганишнинг самарали комплекс тизими мавжуд эмас;
- лексик бирликларнинг берилишида ва нутқий мавзуларнинг танланишида қатор камчиликлар мавжуд;
- миллий маданият, менталитет, удумлар, анъаналар, қадриятлар ҳақида етарли тасаввур берилмайди;
- дисклар орқали тил ўрганишга мўлжалланган дастурлар ҳам мукаммал эмас.

Юқоридаги муаммолар устидаги кузатишлар шуни кўрсатдики, тил ўргатиш масаласига тизимли ёндашув зарур, зеро, замонавий дарсликларга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ҳам айнан комплекс тизимли ёндашувдир.

Шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, ўзбек тилини хорижликларга интенсив ўргатиш тизи-

ми ишлаб чиқилиб, "Ўзбек тили жадвалларда" қўлланмаси яратилди. Ушбу қўлланмада анъанавий бўлимлар кетма-кетлигида эмас, балки грамматик билимларни семантик-синтактик мавзуларга гуруҳлаган ҳолда гап қолиплари комплекслари асосида грамматика курси ишлаб чиқилди. Ушбу қўлланма асосида тил ўрганувчининг билимига кўра шартли равишда икки даражали (А, В) электрон дасрлик яратиш мақсадга мувофиқдир.

Тилни ўқитишдан асосий мақсад талабани шу тилда ўз фикрини ифодалашга, тўғри гап тузиш кўникмаларини ҳосил қилишга ўргатишдир. Бу эса ўз ўрнида бир қанча омилларга боғлиқ. Маълумки, дарс жараёнини янгича усул ва замонавий технологиялар ёрдамида ташкил қилиш билан таълим сифатини оширишга эришишимиз мумкин. Замонавий тил ўқитиш методикаси чет тилларини интенсив ва осон усулларда ўргатиш имконини беряпти. Шу усуллардан фойдаланган ҳолда дарслик ва ўқув қўлланмаларни ҳам замон талабларига мос равишда яратиш долзарб масалалардан биридир. Ўзбек тилини ўрганишнинг бошланғич ва давомий босқичларида мақсадга мос равишда ёндашилиб, грамматик материал, нутқий мавзу ва лексик минимум танланади. Хорижий талабаларга ўзбек тилини ўргатишга мўлжалланган электрон дарслик юқорида айтилган талаблар асосида яратилиши кўзда тутилган. Электрон дарслик грамматик материални, грамматик мавзу бўйича машқлар, ўқиш ва тинглаш учун матн, топшириқлар, грамматик қолипларга мос нутқий мавзулар, нутқий қолиплар ҳамда лексик минимум, билимларни текшириш учун тест ва назорат ишларини ўз ичига олиши керак. Дарс мавзуси грамматик қолип билан номланади. Масалан, " Мен.... -ман", "Менда… бор\ йўқ" каби ва лексик материал грамматик конструкцияга мос танланади. Ҳар бир дарс қуйидаги тартибда ташкил этилади:

- лексик бирликлар ва нутқий қолипларни ўзлаштириш;
- янги грамматик материални ўзлаштириш;
- янги материал ва кўникмаларни мустаҳкамлаш ва амалда қўллаш (машқ бажариш орқали)
- матн устида ишлаш;
- аудиоматериал устида ишлаш;
- оғзаки нутқ кўникмаларини шакллантириш юзасидан топшириқлар бажариш;
- ўзлаштирилган материални текшириш (тест ёрдамида).

Ушбу тестлар талабанинг мавзуни ўзлаштириш даражасини белгилаб бериш билан бирга, кейинги дарсга ўтиш учун "калит" вазифасини ҳам бажаради. Талаба берилган тестларга тўғри жавоб берсагина (маълум бир босқич, яъни дарс мавзусини ўзлаштиргандан кейингина) иккинчи (кейинги) босқичга ўтишга рухсат берилади, акс ҳолда кейинги мавзу очилмайди. Демак, дарсга тизимли ёндашув ҳам муҳим унсурлардан биридир. Тил ўқитиш бўйича яратилаётган замонавий ўқув қўлланмалар, жумладан, электрон дарсликлар тизимининг барча белгиларини ўзида мужассам қилиши зарур: жараённинг мантиқийлиги, тинглаш, ёзиш, ўқиш, гапириш шаклларини қўллаш, ундаги қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги, матн устида ишлаш, грамматик мавзуни ёритиш, амалиёт ва назорат каби.

Демак, дарс жараёни ҳамма усулларни қамраб олган бўлиб, гуруҳ тайёргарлигига қараб материал танланади. Бундай комплекс қўлланмаларни яратиш ўқув жараёнининг самарадорлигини оширади ва талабаларнинг фаоллигини таъминлаб беради. Ўзбек тили хорижий тил сифатида ўқитилаётганида мавзу бўйича материалнинг танланиши, машқлар типларининг хилма-хиллигига эътибор бериш, шунингдек, уларнинг мавзуни талаб даражасида ўзлаштиришга қаратилган бўлишини таъминлаш зарур. Электрон дарсликда тил ўрганувчининг даражасига кўра машқларни танлаш имкониятини бериш, оддийдан мураккабга қараб иш кўриш, мустақил таълимга алоҳида аҳамият бериш ва шунга кўра матеиалларни мувофиқлаштириш талаб этилади.

Электрон дарсликда берилган топшириқлар интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда икки турда бўлади. Биринчи тур машқлар грамматик материални ўзлаштиргандан сўнг талабанинг мустақил равишда бажаришига мўлжалланган бўлиб, уларни талабанинг ўзи махсус дастур асосида текшириши мумкин (тўғри жавоби берилган бўлади). Иккинчи тур топшириқлар эса кўпроқ ижодий ишга, фикрлашга, талабанинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга қаратилган бўлиб, улар ўқитувчи томонидан текширилиб баҳоланади. Электрон дарсликнинг қулайлик томонларидан бири талабанинг ўтилган мавзу бўйича мустақил ишлаши ва ўзини текшириши учун турли мураккабликда (осондан қийинга қараб) машқ ва тест саволларининг мавжудлиги бўлиб, маълум мавзу бўйича билимини баҳолаш имконияти бўлади. Шу билан бирга, ўз хатоларини кўриб туради. Электрон дарсликларнинг афзалликларидан яна бири бугунги кунда компьютер технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этилган дарс ёшларнинг диққатини кўпроқ жалб қилишидадир. Шу сабабли ҳам машғулот жараёнида, шунингдек, талабанинг мустақил тил ўрганишида эркин фойдалана оладиган электрон дарслик унинг тил ўрганишга бўлган қизиқишини кучайтиради. Тил бўйича материалларнинг кўплиги, нутқий ва грамматик мавзуга оид ҳолда соддадан мураккабга қараб жойлаштирилиши, айниқса, талабанинг эришган натижаси аниқ ҳолда акс этиб туриши, шунингдек, мақсадга эришишнинг осон ва қисқа йўли танланиши электрон дарсликнинг асосий мезонини кўрсатади.







Ҳозирги кунда электрон дарсликларни сифат жиҳатидан баҳолашнинг барқарор тизими мавжуд эмас. Турли адабиётларда уни баҳолаш методикаси турлича белгиланади (1). Электрон дарсликни баҳолашда С.Ю. Агафонова, Д.В. Смолинлар қуйидаги мезонларга эътибор беришни таклиф қиладилар (2):

- дарсликнинг валидлиги (valid–қониқиш ҳосил қилиш имконияти) Бунда валидликнинг қуйидаги шакллари фарқланади: мазмуний, аниқ ва қиёсий валидлик. Мазмуний валидлик дарслик мазмунининг белгиланган таълим мақсадларига мувофиқлик даражасини экспертлар томонидан аниқланишида кўринади. Аниқ валидлик тил ўрганувчи нуқтаи назаридан аниқланадиган валидликдир. Қиёсий валидлик эса ўхшаш дарсликлар билан солиширилганда юзага келади;

- дарсликнинг ишончлилиги. Ишончлилик дарслик бир неча гуруҳда қўлланганда белгиланган мақсадга мувофиқ барқарор натижага эришилганида намоён бўлади;

- дарсликнинг мураккаблиги. Ўргатиш ва ўрганишга сарф этиладиган моддий, ақлий, жисмоний куч асосида белгиланади;

- дарсликнинг тежамлилиги ва маълумотнинг бойлиги;

- энг қисқа йўл билан кўзланган мақсадга эришиш. Бунда дарсликдаги маълумотнинг бойлиги бевосита мақсадга қаратилмаган бўлиб, улар турли муқобил вариантлар учун хизмат қилади;

-дарсликнинг бошқа адабиётлар билан алоқадорлик даражаси;

- дарсликнинг амалий аҳамияти. Бунда ушбу мезон экспертлар ва таълим олувчилар хулосаси билан белгиланади;

- дарсликдаги мавзулар боғлиқлиги. Бу мезон ҳар бир мавзу қай даражада мустақил эканлиги билан белгиланади;

- дарсликнинг йўналтирилганлиги. Бунда ўрганувчининг билим даражаси ҳисобга олинганлиги, бошланғич билим даражасидаги ёки давом эттирувчи даражасига мувофиқлиги ва бошқалар.

Юқоридаги мезонлардан кўриниб турибдики, электрон дарсликнинг анъанавий дарсликлардан устунлиги унинг ҳар томонлама қулайлиги ва интерфаоллигида. Шу маънода, ўзбек тилини хорижликларга ўргатиш бўйича яратилаётган электрон дарслик ҳам мақсадга интенсив курс асосида эришиш, тавсия этилаётган контентни бой материал билан таъминлаш, назорат ва синов шаклларининг самарали вариантларини тавсия этиш билан самарали бўлади. Бугунги кунда давлатимиз тили – ўзбек тилини ўрганишга эътибор кучайиб бораётган қатор хорижий университетлардан талабалар ва тил ўрганиш хоҳишида ташриф буюраётган хорижликларга замон талабларига жавоб берадиган электрон дасрликларни яратиб, уларга ҳам мустақил шуғулланиш, ҳам дарс жараёнида қулай имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур"(3).

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


*1. Қаранг: М.А. Бовтенко Теоретические основания лингвометодической оценки качества программного обеспечения языку. Диссертация на соискание ученой степни кандидата филологических наук. Новосибирск 1998.*

*2. Агафонова С.Ю., Смолин Д.В. Методологические основы оценки качества электронных учебников европейских иностранных языков// http://elib.altstu.ru/elib/books/Files/pa1999_2/pages/09/pap_09.html.*

*3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008.*


---

***БУЮК ДАҲОЛАРНИ ЕТИШТИРГАН ЮРТНИНГ КЕЛАЖАГИ АЛБАТТА БУЮК БЎЛАДИ.***

***

***БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИ – БУТУН ИНСОНИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИДИР.***

***

***СЎЗИ ҲИКМАТ, ҲАЁТИ ИБРАТ ...***